

# ЖАЛҒ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 17 март

Сотувда эркин нархда № 56 (1837)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ЭР-РИЁДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Саудия Арабистони Подшоҳлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг араб тилидаги наشري тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот маросими пойтахтнинг дипломатлар мавзесидagi Ал-Товайқ саройида ўтказилиб, мамлакат жамоатчилиги ҳамда дипломатик корпус вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Маросимни Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидagi элчиси Солиҳ Иноғомов очди. Ийгиликлар подшоҳ Сауд номидаги университет доктори Солиҳ ал-Хатлан маърузасини катта қизиқиш билан тинглади. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон нафақат географик жойлашуви билангина Марказий Осиёда стратегик муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакат улкан табиий-иқтисодий ресурсларга, кучли инсоний салоҳиятга, бой тарихий ва маданий меросга эга.

Олим китобнинг айрим бўлимлари ҳақида тўхталиб, мамлакатимиз раҳбарининг этник ва диний қарама-қаршилиқлар, экстремизм ва ҳар қандай минтақавий элдийларни ўз ичига олган хавфларни чуқур англашига диққатни қаратди. У, айниқса, китобда Марказий Осиёнинг ёш давлати олдига турган муаммолар ва қийинчиликлар билан бирга уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилганлигини таъкидлаб ўтди.

Доктор ал-Хатлан Ўзбекистон Президентининг ушбу асари Саудия Арабистони ва бошқа араб мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этишини айтди. Китоб минтақанин бошқа давлатлари тўғрисида ҳам кўплаб маълумотлар беради. Шу муносабат билан у ватандошларини — олимлар ва журналистларни бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ҳақиқий аҳволини жуда эътибор билан ўрганишга, у ерда содир бўлаётган сийий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ёритишга чақирди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Малайзия, Россия, Туркия ва Украинанин дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг китобига юксак баҳо бердилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси — республика Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси Ф. Муллажонов раҳбарлигида ўтган мазкур комиссия йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул муомаласини тўғри ташкил этишга доир қарорларнинг февраль ва муман, жорий йилнинг ўтган икки ойидаги ижроси аён бўлди. Айрим қорхона ва ташкилотларда иш ҳақи базавий фонди даражаси ҳамда валютани тартибга солишга доир бир неча муҳим масалалар муҳокама этилди.

Жорий йилнинг ўтган икки ойида нақд пул маблағларини банк кассаларида жалб этиш ва муомалала нақд пул чиқариш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилган даражада бўлди. Қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш натижасида инфляция даражаси сезиларли равишда пасайди. Банклар кассаларида кўзда тутилган 1 млрд. 106 млн. сўм кўп нақд пул келиб тушди. Ҳисобот даврида мамлакат миқёсида муомалала ортқича нақд пул олишти эришилди.

Февраль ойида республиканин 179 та шаҳар ва туманида, жумладан, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг барча шаҳар ва туманларида муомалала нақд пул чиқариш ҳажми белгиланган даражадан ошмади. Республика бўйича пенсия ва иш ҳақларини ажратилган маблағлар доирасида тўлиқ тўлашти эришилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг ўтган икки ойида Андижон, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида муомалала ортқича нақд пул олишти эришилди.

Натижада айни шу ҳудудларда банкларнинг иш ҳақи тўловлари доир ҳаражатлари тўлиқ ўз тушумлари ҳисобидан амалга оширилди.

Шу билан бирга, тегишли чоралар кўрилатганига қарамадан, жорий йилнинг ўтган икки ойида касса режасини бажармаган туманлар фаолияти кескин танқид қилинди. Бу борада олиб борилаётган ишлар бўйича бир қатор ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Бундай салбий ҳолга барҳам бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги 230-қарори 4-бандининг жойларда қандай ижро этилаётгани бўйича ўтказилган текширув натижалари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, ана шу қарор асосида тасдиқланган Низомда белгиланган касса режасини бажармаган мансабдор шахсларга нисбатан моддий ва маъмурий чоралар кўрилиши белгилаб қўйилган. Текширишлар натижасида айрим мутасадди раҳбарларнинг бундай мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўрмаётгани аниқланди ва танқид қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, республика Пул-кредит сиёсати комиссияси аъзолари М. Нурмуродов, В. Беганов ва А. Акмаловнинг қўриб чиқилган масалалар юзасидан маъруза ва ахборотлари тингланди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова сўзга чиқди.



Кулгич — тиниқ дарё, бегубор қалқиб, йўллариинг баҳорий ифорога тўлсин... Халқим, бошинг узра эрк нури балқиб, Оиланг омон бўлсин, бағринг бут бўлсин. Тохиржон ҲАМРОҚУЛ сурат-лаҳзаси

### «ТАШАББУС-97»

## ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги темир йўлчилар маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши хўнараманд»ларнинг «Ташаббус-97» танлови якунланди. Танлов мамлакатимизда энг яхши тадбиркорларни аниқлаш ва уларнинг тажрибаини оммалаштириш, харидоригр муаммолар шиллаб чиқаришни кўпайтириш, тадбиркорларнинг касб маҳорати, билимлари даражасини оширишга ёрдам бериш мақсадида ўтказилди.

Танловда ўтган йил якуни бўйича энг яхши натижаларга эришган кичик ва ўрта қорхона, фермерлар, тадбиркорлар, ижарачилар, кооператив ва

халқ хўнарамандлари ҳамда Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларини энг яхши ёритган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди. Республика Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Хуусейн тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди («Бизнес-Фонд»), Ўзбекистон шахсий томорқа ва деҳқон/фермер/хўжалиқлари уюшмаси каби ташкилотлар мазкур танловнинг таъсисчилари бўлди.

Якунловчи танловда шу йилнинг февраль ойида Қорақалпоғистон Республикаси, туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида ўтказилган танловда голиб

чиққан 41 нафарга яқин тадбиркор, фермер ва хўнараманд қатнашди. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чжен «Ташаббус-97» танлови голибларини таърифлади.

Шундан кейин республика танлови голибларининг номлари эълон қилинди. Танлов ҳайъатининг қарорига кўра, Бухородаги «Совга» зарбуалик марказининг раҳбари Бахшилло Жумаев «Энг яхши хўнараманд», Фарғона туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалигининг вакили Шукрумирзо Аҳмедов «Энг яхши фермер» ва Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Гулнора» хуусейн фир-

масидан Гулчехра Ҳайдарова «Энг яхши тадбиркор» деб топилди.

Танлов голибларига тантанали вазиётда Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — Бахшилло Жумаевга «Тико» энгил автомашинаси, Шукрумирзо Аҳмедовга «Дамас», Гулчехра Ҳайдаровга «Нексиа» автомашинаси топширилди. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганларга ташкилотчи ва ҳолийлар томонидан таъсис этилган қимматбах совринлар берилди.

«Ташаббус-97» танлови қатнашчилари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман (шаҳар) тадбиркорлари, фермерлари ҳамда хўнарамандларга маълумотларни кўрсатиш мақсадида очилди.

Қўрама очилиши маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов қатнашди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

## КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ўтказилган сим орқали кенгаша плёнка остига чигит экиш, техника ремонтини ҳамда долзаларни экинга тайёрлаш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди. Унда тегишли вазирлик, корпорация ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари, туман ҳокимлари, айрим хўжалик раҳбарлари иштирок этиди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, кишлоқ ва сув хўжалиги вазирини И.Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё ва Навоий вилоятларининг айрим хўжалиқларида баҳорги дала ишлари талаб даражасида эмас. Экинч мавсумида йўл қўйилган камчиликлар натижасида 1997 йилда кўпчилик туман ва хўжалиқлар пахта, бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини удалай олмадилар.

Ўтган йили республика-мизда чигитни плёнка остига экиш усули янада оммалашди. Қатор туманларда чигит плёнка остига экилиб, 50 центнергача ҳосил кўтаришга эришилди. Айни вақтда айрим туман ва хўжалиқлар раҳбарлари пахтачиликдаги бу илғор усулга юзак ёндашмоқда, чигитни плёнка остига экиш технологиясини бузмоқда.

Кишлоқ хўжалик экинларини қисқа муддатларда ва сифатли экиш зарур техниканин таъйирлигига боғлиқ, Аммо Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг кўпчилик хўжалиқларида трактор ва бошқа техник воситаларнинг 35-40 фоизи, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса 15-20 фоизи мавсумга шай, холос.

Чигитни плёнка остига экиш муддати келган бўлса-да, Навоий, Наманган, Фарғона ҳамда Тошкент вилоятларининг хўжалиқлари шу вақтга қадар керакли миқдорда плёнка ва сеялка билан таъминланмаган. Сурхондарё вилоятида эҳтиёжга яраша

плёнка келтирилмаган. Ер майдонларини ижарага беришда қонунбузарлик, ундан унумсиз фойдаланиш, уян талон-тороқ қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айниқса, фермерларга нисбатан нотўғри муносабат оқибатида бир неча фермер хўжалиги ўз фаолиятини тугатишга мажбур бўлган.

Кенгашда кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари И.Бобо-жонов кишлоқда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақида сўзлади. Жумладан, экинч мавсумида ўтган йилги ҳатоларни такрорламаслик, бунинг учун барча техника ва ускуналар таъмирини зудлик билан тугаллаш чигитни ялпи экинга киришишда муҳим аҳамият касб этажанини таъкидлади. Вилоят ҳокимлари муҳокама этилаётган масала юзасидан ахборот бердилар.

Кенгашда чигитни плёнка остига экиш усули янада оммалаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Техника таъмирини қисқа муддатларда тугаллаш ва чигитни ўз вақтида сифатли экиб олиш лозимлиги ўқитрилди. Бу борада масъулиятсизлик ва ўзибўларчиликка йўл қўйган раҳбарлар қаттиқ оғохлан-тирилди. Мамлакат бўйича чигитни плёнка остига экишни 15 апрелгача, чигитни ялписига экишни эса 25 апрелгача тугаллаш лозимлиги таъкидланди.

Кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ф.Барноев, Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов, М.Усмонов, Қ.Ҳаққулов қатнашди.

П.НИШОНОВ, ЎЗА мухбири.

## ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлар билан сийсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Бундай муносабатларнинг ривожига эса, шубҳасиз, халқ дипломатиясини ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан дунёнинг унлаб мамлакатлари ўртасида дўстлик жамиятлари таъсис этилган ва уларнинг барчаси халқларни янада яқинлаштириш ҳамда дўстона муносабатларни ривожлантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Таъсис мажлисида «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамияти ташаббускор гуруҳи аъзолари, мамлакатимиздаги олий ўқув юртлири мутахассислари, маданият ва фан арбоблари, Малайзиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари иштирок этиди. Унда «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамиятининг бошқарув органи сайланиб, жамият Низомини қабул қилинди. Республика «Ермойтмаксисонат» уюшмаси раиси Азамат Жамолов ушбу жамият раиси этиб сайланди.

Мажлисида сўзга чиққанлар жамият фаолияти Ўзбекистон билан Малайзия халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлашди.

«Ўзбекистон - Малайзия» дўстлик жамиятининг таъсис мажлисида Малайзиянинг мамлакатимиздаги Факултада ва Мухтор элчиси Шаарани Бин Хожи Иброҳим иштирок этиди.

(ЎЗА)

## НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Навоий шаҳридаги «Кизилкумбемет» очқ турдаги ҳиссдорлик жамияти кўшма қорхонаси Наврўзга пухта тайёрлик кўрди. Қорхонанин 120 оиласи ҳовли тўйини нишонлади. Шунингдек, серфарзанд ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 31 фарзандининг ҳар бирига омонат дарфтарчаси оғилди, минг сўмдан пул ўтказилди.

Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.

## ЭНГ ҚАДИМИЙ МИЛЛИЙ БАЙРАМ

# БУТУН БОҒ — МАФТУНКОР БИР САҲНА

Истиқлол меваси — Тошкентдаги республика Миллий бонгда Наврўз — умумхалқ байрамга тайёргарликнинг сўнгги ташкилий ишлари ўрнига қўйилмоқда.

«Халқ сўзи» газетаси мухбири Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шўҳрат Илҳомов ЖАЛИЛОВГА мурожаат этиб, бу йилги қўлу-тулганларнинг ўзига хос томонлари, янгиликлари ҳақида гапириб беришни сўради.

— Йўлбошимиз Ислам Каримовнинг «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриги ва уни ўтказиш ташкилий комиссиясининг мажлисидаги «Наврўз—энг миллий, энг сезиларли, энг халқчил, энг қадимий байрам» деган сўзлари бу йилги Наврўз тантаналарининг мазмун-муңдарижасини, қиёфасини янгилаган, бутунлай ўзига хос бир тарзда кўриб чиқини талоққа этди. Тантаналар матни муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, бош режиссёр, Ўзбекистон Республикасида энг кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов ҳамкорликда Наврўз байрамларини ташкил этишнинг, саҳнада му-жассамлаштиришнинг шу вақтгача ҳеч қўрилмаган, бетакрор, мафтунокор талқинини ижод этилди.



Тошкентнинг кенг, раво, супуриб-сидирилган озода хиёбонларидан ўтиб, «Халқлар дўстлиги» саройидан бошланган Миллий бонга кирар экансиз, ўзин-ғизни эртақларда таърифланганидек мўъжизакор улкан бир саҳнада тургандек ҳис этасиз. Кўм-кўк баргу алвон гуллари бурканган баланд дарвозалар сизни — меҳмонлару томошабинларни мезбонлару санъаткорлар билан уйғунлаштирувчи, уйин-қул-гаги, томоша кўрсатётган даврага, ўзининг амалий санъат асарларини намойиш этаётган моҳир қўллар дўқонига, ўзбек пазандаларининг ширин кўларидан чиққан миллий таомлар, ҳалим, сумалак, турли ширинликлар билан безатилган дастурхонларга,

ҳаволарда ўйнаган дорвозлар, варрак учираётган шўх фарзандалар сағиға олиб борарди.

Доим ҳаракатда бўлган ҳаёт, айланиб турган дунё рамзи саҳна саҳнага ўрна-тилган турли ранглиги чарх-палакларда ўз аксини топган.

Наврўз — бутун Шарқ, жумладан, Марказий Осиё халқлари томонидан неча-неча асрдан бунён кенг нишониланиб келаётган улғу байрам. Турли халқлар уни ўз ҳаётларидаги энг ёрқин ва табаруқ кун деб билиб, шоду хуррамлик билан ўтказганлар. У бирдай ҳижрий-шамсий ҳисобда йилнинг боши — баҳорги тенг кунлика, яъни 21 марта тўғри келди. Наврўз Исламдан аввал ҳам байрам қилинган. Айни вақтда ҳеч қайси дин ақидаларига зарари ҳам тегмайдди. Кундалик турмуш эҳтиёжлари, табиат билан ўзаро муносабат тантанаси. У миллат танламайди, барчага баробар ардоқли. (Давоми 4-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 17 мартдан бошлаб ҳисоб ва божиона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: %

1 Австралия доллари	56,43	10 Португалия эскудоси	4,51
1 Австрия шиллинги	6,55	1 Сингапур доллари	52,17
1 Англия фунт стерлинги	139,94	1 СДР	112,70
10 Бельгия франки	22,35	1000 Туркия лираси	0,36
1 Голландия гульдени	40,86	1 Финляндия маркаси	15,20
10 Греция драхмаси	2,55	1 Франция франки	13,73
1 Дания кронаси	12,08	1 Швеция франки	10,56
1 БАА дирхами	22,82	1 Швейцария франки	56,70
1 АКШ доллари	83,83	1 ЭҶО	91,32
1 Миср фунти	24,66	10 Жанубий Корея вони	0,57
1 Ирландия фунти	115,77	10 Япония иенаси	6,51
1 Исландия кронаси	1,16	1 Россия рубли	13,77
10 Испания песети	5,44	1 Украина гривнаси	41,16
100 Италия лираси	4,68	1000 Беларусь рубли	2,52
1 Канада доллари	59,36	1 Латвия лати	141,84
1 Хитой юани	10,13	1 Литва лити	20,96
1 Кувайт динари	274,91	1 Молдова леи	17,78
100 Ливан фунти	5,49	1 Қирғизистон сомни	4,64
1 Малайзия рингити	22,35		
1 Германия маркаси	46,04		
1 Норвегия кронаси	11,07		
1 Польша злотийси	24,37		

\* / Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.



**Янги усул шарофати**

— Ҳўжалигингиз бир вақтлар давлат ихтиёрида эди, кейин ширкатга айланди, мана, икки йилдирки, пайчиликка ўтиб ишляисизлар. Ҳўш, шу орада нима ўзгарди? — деган саволимиз сўхбатдошларимиз — Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ёиқ ҳиссадорлик жамияти аъзолари учун ажабланарли туюлмади. Улар пайчиликка ўтган ҳўжалик афзалликларидан обдон хабардор эканлар:

— Олдин «Мулк ҳаммаминики» деб оғизда айтиларди-ю, бироқ кимнинг қанча улushi борлигини ҳеч ким билмасди. Ёки биров бўшаб кетса, ҳўжаликдан куруқ кўл билан чиқиб кетавар эди. Энди эса мулкнинг аниқ ҳисоб-китоби бор, уни қозоғга муҳраб қўлимизга бериб кўйишди, — деб гувоҳномамаларини кўрсатдилар. — Унинг бир саҳифасида кўчмас мулкдан ҳиссамиз, иккинчида ҳар йиллик фойдаси (дивиденд) қайд этиб қўйилган. Мабодо, биров бини курилса ёки техника сотиб олинса ҳам, унда улushingиз бўлади.

— Бу ҳол меҳнатта муносабатларингизга қандай таъсир этади?

— Энди ҳамма ўз томоғасида ишлаётгандек тиришиб меҳнат қилипти. Аъзолар билан яна ҳўжалик фаолиятининг бошқа жиҳатлари юзасидан анча гурунглашдик. Манфаатдорлик одамларнинг кўзини очган, худди «тежамли рўзгор — бежамли рўзгор» деганларидек, барча масалага қизиқиш билан сидқидилдан муносабат билдиришди. Лоқайлик, беғамлик ва шуларнинг орқасидан келувчи бепарволик кишиларимизни тарк этаётгандек туюлди. Шу билан бирга, иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланиб борапти. Мазкур ҳўжалик агар 1995 йилни 11 млн. 153 минг сўм соф фойда билан яқунлаган бўлса, пайчилик асосида иш ташкил қилинган йил бу кўрсаткич қарийб икки баробарга ўсган — соф фойда 22 млн. 66 минг сўм. Утган йил натижалари яна ҳам қувончли, бу рақам 39 млн. 727 минг сўм даражасида. Демак, бу янгилик тўғрисида, аввало, одамларнинг тафаккури ўзгарди ҳамда иқтисодиётда ривожланиш таъминланяпти. Худди шу вазифаларни мамлакатимиз Президентини яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 1997 йил якунлари бағишланган мажлисида яна бир марта таъкидланди.

Республикада дастлаб 26 ҳўжаликда пайчилик жорий қилинишига киришилганида, Шароф Рашидов номли ҳўжалик (Қашқарда виллоятнинг 2 ҳўжалик, яна Шаҳрисабз туманидаги Ж. Ёлбоев номли ҳўжалик) беҳудлага танланмаганди. Бунга сабаб бўлган омиғ фақат иқтисодий аҳволнинг яхшилигини эмас, жамоннинг уюшгани, барқарор интизом, маҳоратли раҳбарлик қарор топгани ҳам назарга олинганди. Ҳўжаликда 3 та мустақил деҳқон (фермер) фаолият кўрсатар, иш барча жабҳада оилавий пуарат асосида ташкил қилинганди. Галлаштириш — 80, ичимлик суви билан таъминлангани 72 фоизни ташкил қиларди.

— Пайчиликка ўтиб ишлаш масаласи меҳнат жамоаларида жиддий муҳокама қилинди, — дейди ҳўжалик раҳбари Амрулло Чориев, — одамларни турли самарасиз ўзгаришлар гирдобига тортиб, ҳафасласини пир қилиб қўймастик керак эди. Йўқ, мулкчиликнинг бу шаклини аъзоларимиз маъқуллади.

Тайёргарлик ишларини умумий йиғилишида сайланган махсус гуруҳ олиб борди. Унинг таркибига тажрибали мутахассислар, қишлоқ фуқаролар йиғинининг вакиллари, оқсоқоллар киритилди. Аввало, асосий воситаларни ҳисоб-китоб қилиб чиқиб керак эди. Йўқ, мулкчиликнинг бу шаклини аъзоларимиз маъқуллади.

Тайёргарлик ишларини умумий йиғилишида сайланган махсус гуруҳ олиб борди. Унинг таркибига тажрибали мутахассислар, қишлоқ фуқаролар йиғинининг вакиллари, оқсоқоллар киритилди. Аввало, асосий воситаларни ҳисоб-китоб қилиб чиқиб керак эди. Йўқ, мулкчиликнинг бу шаклини аъзоларимиз маъқуллади.

— Пайчиликка ўтиб ишлаш масаласи меҳнат жамоаларида жиддий муҳокама қилинди, — дейди ҳўжалик раҳбари Амрулло Чориев, — одамларни турли самарасиз ўзгаришлар гирдобига тортиб, ҳафасласини пир қилиб қўймастик керак эди. Йўқ, мулкчиликнинг бу шаклини аъзоларимиз маъқуллади.

Тайёргарлик ишларини умумий йиғилишида сайланган махсус гуруҳ олиб борди. Унинг таркибига тажрибали мутахассислар, қишлоқ фуқаролар йиғинининг вакиллари, оқсоқоллар киритилди. Аввало, асосий воситаларни ҳисоб-китоб қилиб чиқиб керак эди. Йўқ, мулкчиликнинг бу шаклини аъзоларимиз маъқуллади.

аъзоларга гувоҳнома берилиб, мулк қиймати қайд этиб қўйилди. Хуллас, ҳамма ўз ҳиссасига эга бўлди. Энг кўп пай улushingини қиймати 120861 сўм экан, энг кам улushi — 15 сўм даражасида. Ҳа, адолат таърозисида ҳўжаликнинг бир неча миллионлар билан ўлчанадиган бойлигида кимнингдир 15 сўмлик ҳиссаси ҳам кўриниб қолди.

Бир пайтлар ҳўжаликка меҳнат сингган, айна пайта ишламайдиган нафақадорлар манфаати ҳам ҳалол қадрланди. Улар 61 нафар бўлиб, мулкка эгаликка қўнилар даъвогарлик қиладиган аскара ва талабалар аниқланмади. Нафақадорлар бир пай улushingини қиймати 50905 сўм даражасида бўлиб, уларнинг ҳиссаси гувоҳноманинг бўлимас фонд қисмига қайд қилинади. Устав фондининг шу қисми ўсиб борса, нафақадорларнинг мулкий пайлари ҳам ўсиб бораверади.

Ҳўжаликнинг янги усулга ўтиб ишлашнинг таъминлаш жиддий тайёргарлик ва ташкилий ишларни амалга оширишни талаб қилгани кўриниб турибди.

— Юмушларнинг метёёрлар, нархлар билан боғлиқ қисминини бошқарувнинг иқтисодиёт йўна-

аҳволига атрофлича баҳо берилар экан, унда ҳар бир аъзонинг қатнашиши, ўз фикри, таклифи билан иштирок этиши катта аҳамиятга эга.

— Бундай анъаналар мавжуд, — дейди фикримизни қўллаб вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалик бошқармаси бошлигининг муовини Холмат Муҳаммадиев, — энди ўша тадбирларни истиқлол, миллий руҳдан келиб чиқиб қайта ташкил этишимиз керак. Вилоятда кейинги икки йилда қишлоқ ҳўжалигида ўсиш суръатлари кескин қўзга ташланапти. Бу ҳол моддий аҳволга ҳам таъсир этмай қолмайди. Демак, яхши анъаналар ҳам ўз-ўзидан қайтади.

Устав ва у билан боғлиқ тафсилотларга беҳуда ургу берилётгани йўқ. Пайчилик жамияти бошқарувининг янги, юқори кўриниши сифатида ҳар бир аъзодан масъулият ва онглилик талаб қилади. Шу маънода, унинг Устав билан таниш бўлиши ва ўз ҳуқуқи доирасида ҳаракат қилиши умумий мақсадга фаворит сафарбар бўлишни таъминлайди. Яна бундай ҳўжалик турли-туманли талаблардан бири пировард натижадан манфаатдорликни оширишдир. Меҳнатчи маошга ишлаш кайфиятидан халос бўлиб, йил охиридаги фойдани кўзлайди. Бундай

150 та бригада пудрати билан ишлайдиган жамоа бор.

Ишни бригада пудрати асосида ташкил этиш ҳўжалик билан шартнома имзолашдан бошланади. Унда икки томоннинг мажбурияти аниқ кўрсатилган бўлади. Албатта, бу гаплар янгилик эмас, бироқ унга сўзсиз амал қилиниши кам учрайдиган ҳўжаликда шартнома интизом қаттиқ қўйилган. Аввало, ҳўжалик маъмурияти ўз аъзолари олдига беҳурлик қилмайди, барча мажбурият — уруғ, ўғит, гербицид, ёнгиғи, техника, агрономик хизмат билан таъминлаш, маошнинг ўз вақтида тўлаш каби вазифаларни мудидагида бажаради. Шундан кейин пудратчилдан ҳам талаб қилади. Эҳтимол, ҳўжалик муваффақиятининг асосий сирини ҳам шундадир. Хуллас, икки томоннинг ҳамкорлиги тўғрисида қўзланган мақсад эгалланади, пудратчиларнинг ютуғи эса ҳали салмоқ касб этади.

Пахтачилик билан шуғулланувчи Халил Мардонов бошлиқ жамоа уч йилда қосилдорликни 5 центнерга оширган бўлса, шу даврда ишчилар сони 9 нафар камайган. Демак, одам бошига ҳисоблаганда маҳсулот етиштириш жуда кўпайган. Бу йилги натижага кўра, 25 кишига 102151 сўм дивиденд тўлаш мўлжалланмоқда. Роҳиқ Йўлдошев бригадаси 2 млн. 22 минг сўм даромад билан чиқди, бир ишчининг йиллик даромади ўртача 40 минг сўмдан ошиб кетди. Гайбулло Раҳмонов бригадаси гектардан қарийб 47 центнер ҳосил кўтарди. Бундай ижобий натижаларга эришган жамоалар ҳўжаликда кўплай топилади.

Пайчилик жамиятида иш юритишни янада тақомиллаштириш чоралари кўриляпти. Айна пайтада матбуотда эълон қилинган ер билан боғлиқ қонун лойиҳалари чуқур ўрганилмоқда. Уларнинг талаблари ва маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ер пайини жорий этишга тайёргарлик кўриляпти. «Бунинг учун ҳўжалик ҳудудидagi экин майдонлари бал бонгетинини қайтадан кўриб чиқиш керак бўлади, — дейди Амрулло Чориев. — 1992 йилда «Узгипрозем» лойиҳалаш институти томонидан белгиланган ер майдонларининг сифат баҳоси талабга жавоб бермайди».

Айна пайтада жамиятнинг 3 мингга яқин аъзоси бор. Гапнинг сирасини айтганда, янгидан аъзо бўлиш иштиёқида юрганлар ҳам кўп экан. Лекин масаланинг бошқа томони — аъзоларнинг ҳаддан ташқари кўпиги бошқарув ва ҳисоб-китобда мушкулликлар туғдиради экан. Баъзи мутахассислар бу борада ҳам маълум метёёр ишлаб чиқилса, кўнгидаги иш бўлишини таъкидлашди. Шунингдек, пайчилар айна пайтада муҳокама бўлаётган Ер кодекси, «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг маромига етказилиб қабул қилинишидан кўп нарса кўтмоқдалар.

Бундай фойдали таклифлар эртанинг ёқимли ташвишлари. Бугунги нақд гап эса пайчилик Шароф Рашидов номли ҳўжалик мисолида ўзини оқлади. Бундай усулга ўтиб ишлаш қизиқиб қолди. Касби туманида ўтган йилги «Ғалаба» ва Ҳамза Ҳўжакулов номли ҳўжаликлар ҳам янги усулни жорий этишди. Якун эса чакки эмас, 7-8 млн. сўм микдорда аъзоларга дивиденд тарқатиш нақд бўлиб турибди.

Қашқадарь виллоятда бу йил 27 ҳўжаликда пай мулк шаклини жорий этиш мўлжалланмоқда. Номзод ҳўжаликлар аниқланиб, тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан барча туманларнинг бош мутахассислари Касбида бўлиб, амалга оширилган ишлар билан танишди. Натижадан ҳаммада қониқиб уйғотди, пайчиликка ўтиб ишлашга иштиёқни кучайтирди. Хуллас, дастлабки ҳулосалар йўлбошчимизнинг Вазирлар Маҳкамасида 1997 йил якунларига бағишланган мажлисида сўзланган нутқидagi «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативда мулкчиликнинг янги шакли топилган. Бу мулкнинг пайдир. Айна ана шу пай деҳқон онгини янгилаш, унда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш керак» деган фикрларини айнан тасдиқлаб турибди.

ҲАКИМ САТТОРИЙ.

**ДИВИДЕНД:**

**ДАРОМАДНИНГ ҚАЙМОҒИ**

Пайчиликка ўтиб ишлаган ҳўжалик аъзолари йилни соф фойда билан яқунлаб, дивиденд олмоқдалар

лиши, аъзолар сони, меҳнат стажини аниқлашни ҳодимлар бўлими, маошлар билан боғлиқ ишларни яна бошқа гуруҳ амалга оширди, — дейди ҳўжалик бош ҳисобчиси Эргаш Муҳаммадиев. — Албатта, биринчи бўлиш осон эмас. Қишлоқ ва сув ҳўжалик вазирлигининг Бозор ислохотлари институти, виллоят қишлоқ ва сув ҳўжалик бошқармаси ҳодимлари ҳам кўмакларини аяганлари йўқ.

Қишлоқ ҳўжалик пайчилик жамиятининг фаолияти жамият Уставини билан тартибга солиб турилади. Унда иш юритиш билан боғлиқ барча жараёнлар акс этган. Амалиёт унга баъзи тузатишларни ҳам киритмоқда. Дейлик, Ш. Рашидов номли ҳўжаликнинг 1996 йил, 26 сентябрда виллоят алия бошқармаси тасдиқлаган ҳўжжати билан қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида бизга кўрсатилган намунавий устав ўртасида анча фарқ бор. Кейинги янада ҳаётга яқинлашган, меҳнатчилар манфаатини тўлароқ акс эттиришга йўналтирилган. Барибди, унда ҳам етишмовчиликлар йўқ эмас. Умуман, пайчилар жамияти билан боғлиқ метёёр ҳўжжатлар тинимсиз тақомиллаштириб боришни тақозо этади, бизнинг фикримизча. Дейлик, бошқарув ва назорат қилиш органларининг ваколатлари ижтимоий ҳаётимиздаги демократик ўзгаришларга мос равишда мукамаллашиб бориши лозим. Пайчилик жамияти ўз аъзосини шунчаки ишловчи даражасидан юқори кўтариб, мулк эгаси мақомини беради. Шу билан бирга, у мулк эгаси сифатида ҳўжалик фаолиятига дадил аралашуви, уни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қафолатлайди. Бошқарувда иштирок этиш олдий аъзони янада фаолиликка ундайди, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссини кучайтиради ва ҳаётимизда ошқоралик, ҳаққий маънодаги ҳалоллик тамойилларининг қарор топишига олиб келади.

Устава «Жамиятнинг бошқаришнинг олий органи бўлиб иштирокчиликнинг умумий йиғилиши ҳисобланади», дейилган. Уни бир йилда неча марта ўтказишни ҳўжалик ўз имконини, шароитидан келиб чиқиб белгиллаш ва тасдиқлаб олиши мумкин, бироқ гап кўпроқ йиғилишларнинг қандай савияда ўтиши устида кетади. Бундай тадбирлар ўнғай пайта — ҳаққий меҳнат байрами ёки мавсум арафаси сифатида ташкилланган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирча эса кўпгина пайчилик жамиятларида вакилар йиғилиши билан четараланилаётган экан. Ҳолбуки, йиғилишда ҳўжаликнинг

талаб эса ўз-ўзидан интизом ва тежамкорликка йўл очади.

— 6 йилдан буён механизаторман, — дейди Амрулло Турсунов, — ҳўжалигимизда кейинги йилларда ҳамма ишда қаттиқ ҳисоб-китоб жорий қилинган. Мана, мен ўзимнинг ҳисоб дафтарчамга эгаман. Унда олинган ёнгиғини, эҳтиёт қисми — ҳаммаси қайд этилган бўлади. Агар ёнгиғи сарфига доир ҳужжатим бўлмаса, кейинги кун менга солярка беришмайди. Эҳтиёт қисми белгиланган муддатдан олдин ишдан чиқарсам, ўз чўнтагимдан сотиб олиб қўйишим керак бўлади. Бундай талаблар бизга оғир ботмайди, аксинча, ҳамма нарсага «бу меники, менинг мулким» деб қарашга ўргатади.

— Бундай интизом ҳар бир тийин устида талашини талаб қилади, — сўзбатга қўшилиди Очиқбой Қурбон, — етти йилдан буён галлачилик звеноси бошлигиман. Ишни оила пудрати асосида ташкил қилганмиз. 13 гектар еримиз бор. Аниқ ҳисоб-китоб, тежамкорлик тўғрисида ўтган йил етиштирилган галланинг таннариш жуда паст бўлди. Йил якунида бир сўмга камда 2 сўм дивиденд кутиб турибмиз.

Ҳа, бутун касбиликлар дивиденд ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолишди. Луғатларда бу сўз «Акционерлик жамияти соф фойдасининг бир қисми, акционерларга даромадлар нақд пул ёки акциялар билан тўланади», тарзида изоҳланган. Уни деҳқонча лафз билан «даромадлар қаймоғи» деб аталмоқда: Ҳалол, тинимсиз меҳнат тўғрисида қўлга киритилган бундай маблағлар турмушга лаззат, рўзгорга фойда киритиши табиий. Зеро, фидойилик билан қилинган ҳаракат ана шундай мукофотга арзийди. Агар бу жойларга меҳнат баҳоси авжланган паллаларда ташриф буёраганиз, эрта тондан турнақатор бўлиб далаларга йўл олган одамларни кўрасиз. Аксарият меҳнатта тоби келиб қолган ёш болалар ҳам бўлади уларнинг сафиди. Бу ерларда одамлар меҳнат қилиб кўнглини ёздади, ҳордик олади, меҳнат ичида яшаб, ўз ҳаётини беэади. Ана шундай жамоалар аксарият оилалар бўлади. Хонадонда шаклланган тотувилик, ҳамкорлик далага қўчади, рўзгор фойда-шуқуҳи далаларини беэади. Биз бундай меҳнат шаклини оилавий пудрат деймиз. Оила аъзолари уруғ қалсанган майдонларни кучлари қараб тақсимлаб оладилар. Кейин янага, ўтоқ, чопиқ, чилиш деган тадбирларни, худди қошга ўсма тортадиган ёки идиш-товоқларни ярақлатиб ювандек, чеварлик билан бекам-кўст ўтказдилар. Бундай меҳнатдан кейин мўл ҳосил унишига тараф йўқ. Бизан оилалар бригадаларга бирилашдилар. Шароф Рашидов номли ҳўжаликнинг 7 та қишлоғида

**ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ**

**ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ**

Иордан дарёсининг гарбий соҳилида фаластинлик ишчилар кетаётган микровавтобусга қарата Исроил солдатлари ўт очиши натижасида уч нафар ишчи ҳалок бўлгандан сўнг, Фаластин мухторияти ва Қуддус шаҳрида ҳарбийлар террорига қарши намоийшлар кучайиб кетди. Исроил солдатлари ҳатто журналистларни ҳам аяб ўтиришмади, деб хабар беради жаҳон оммавий ахборот воситалари. Журналистлар гувоҳномамаларини кўрсатишгандан кейин ҳам уларга нисбатан куч ишлатилган. Хусусан, Англиянинг Рейтер агентлиги мухбири дўпосланган ва унинг бошига ўқ узишган. Мухбир оғир жароҳат олиб, ҳозир касалхонада даволанмоқда. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, Исроил ҳарбийларининг тинч аҳолига нисбатан бундай шафқатсизликлари Яқин Шарқдаги тинчлик ҳарайиғига жиддий путур етказмоқда.

**ЯНА БИР МАШМАША БОШЛАНДИ**

Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Чубайс атрофидаги машамалар бўрони бироз тинчиган бир пайта, энди унинг сафдоши Б. Немцов шахси билан боғлиқ ҳангома бошланадиганга ўхшади. Тележурналист А. Доренко томошабинларни Б. Немцов ҳаётининг сирлари билан таништира бошлади.

**БОШ ВАЗИР САФАРИ**

Япония Бош вазири Хашимото расмий сафар билан Индонезияда бўлди. У Президент Сухарто билан учрашиб, икки томонлама муносабатлардан ташқари, рўй берган молиявий инқироз билан боғлиқ муаммоларни ҳам муҳокама қилди. Маълумки, Индонезия Халқаро валюта жамғармасидан йирмик микдорда қарз сўраган. Халқаро валюта жамғармаси эса мамлакат иқтисодиётида ислохотлар бошланганига қарз беришини билдирди. Япония Бош вазири Президент Сухартонини иқтисодий ислохотлар ўтказишга ҳам даъват қилди.

**МУЗОКАРАЛАР ҚИЙИН КЕЧМОҚДА**

Сербиянинг Косово виллояти ҳамон жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. АКШ, Россия, Франция ва Англиядан иборат мулоқот гуруҳи Сербия ҳукуматини Косоводаги муҳолифат билан музокаралар ўтказишга ундамоқда. Косово албанлари эса тўла мустақиллик талаб қилишмоқда. Серблар эса Косовога фақат мухторият макомини беришгагина рози бўлишмоқда. Европа Иттифоқи давлатлари эса музокаралар ҳеч қандай шартларсиз бошланиши тарафдордир.

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

**ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ**

**НАМАНГАН «ЭКСТРАКТ ЁҒ» ЖАМОА КОРХОНАСИНИНГ 1998 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА**

**БАЛАНСИ:**

Актив	минг сўм	Пассив	минг сўм
Асосий восита:	33073	Устав фонди	17149
Оборот активлари	129892	Ҳисоб-китоб маблағлари	149095
Ҳисоб-китоб маблағлари	3279		
Баланс:	166244	Баланс:	166244
Олинган ялли даромад		331172 миғ сўм	
Ишлаб чиқариш ҳаражатлари		296205 миғ сўм	
Фойда		34967 миғ сўм	
Фойдадан солиқ		15502 миғ сўм	
Соф фойда		19465 миғ сўм	

**НАМАНГАН «ЭКСТРАКТ ЁҒ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

1998 йил 17 апрель куни соат 14<sup>00</sup> да 1997 йил якунлари бўйича жамиятнинг умумий ҳисобот йиғилиши бўлади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Жамиятнинг 1997-йилдаги иш якунлари, 1998 йил иш режалари.
2. Жамиятнинг йиллик натижалари баланси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. 1997 йил учун тўланадиган дивидендлар микдорини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгаши қарорларини бажариш тўғрисида.
5. Кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида.
6. Жамият Низомига ўзгартиш киритиш тўғрисида.
7. Инвестиция ва кредит тўғрисида.
8. Бошқа масалалар.

Манзил: Наманган шаҳри, А. Раҳимов, 25.

**«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I»**

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИДА  
1998 ЙИЛ 2 МАРТДА  
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

ДАВЛАТ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА №125/4  
ЮРИДИК МАНЗИЛ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700060, «МИРОБОД» КЎЧАСИ, 17-УЙ.

**Хурматли давлат ва шахсий автотранспорт воситалари эгалари!**

«Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси, унинг Тошкент виллояти нефть маҳсулотлари корхонаси, «Ўзнефтгазгазорат» бошқармаси билан биргаликда ўз тасарруфидagi ва барча ҳусусийлаштирилган ёнгиғи тарқатиш шохобчалари ишини тўғри аниқлаш, замонавий талаблар даражасига кўтариш мақсадида, Сиз хизматларидан фойдаланиётган шохобчаларда сотилаётган автобензиннинг микдорини рақамли кўрсаткич орқали назорат қилиш, микдоридан кам берилса ва унинг сифати бўйича эътирозингиз бўлса, кўнгидаги ташкилотларга телефон орқали муурожаат қилишигингизни сўраймиз.



- Чинобод нефть базаси  
Тел.: 133-89-71, 133-71-38
- «Тошкентнефтмаҳсулот» корхонаси  
Тел.: 24-75-92, 24-72-00
- «Ўздавнефтмаҳсулот» ХБ  
Тел.: 136-37-13, 133-37-45
- «Ўзнефтгазгазорат» бошқармаси  
Тел.: 68-22-42, 68-04-50

Ёнгиғи тарқатиш шохобчалари фаолиятини яхшилаш ишини кўнгидаги ҳиссагиз учун аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.

**ТАШКИЛОТ**

Лак-бўёқ маҳсулотларини энг арзон нархларда сотади.

- |                                   |                |
|-----------------------------------|----------------|
| 1. Цинкли оқ бўёқ                 | 1 кг. 135 сўм. |
| 2. Ёғли кўк бўёқ                  | 1 кг. 130 сўм. |
| 3. Ёғли пол бўёғи                 | 1 кг. 125 сўм. |
| 4. Шифт учун қизил-жигарранг бўёқ | 1 кг. 125 сўм. |
| 5. Оқ эмаль                       | 1 кг. 210 сўм. |
| 6. Пол эмали                      | 1 кг. 195 сўм. |
| 7. Кўк эмаль                      | 1 кг. 200 сўм. |
| 8. Олифа                          | 1 кг. 120 сўм. |



Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12

